



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***

к договору (контракту) от 28.09.2022 г. № 10

между CHINOZ SARVAR FAYZ МЧЖ и Янгийул шахар Ободонлаштириш бошкармаси на общую сумму  
97968163,00

Глава

Казначейский лицевой счёт

110

100022860274247065100110001

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)		Всего
	4299990		
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь	97 968 163,00		97 968 163,00
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Всего за год	97 968 163,00		97 968 163,00

Всего 97968163,00 сум

Девяносто семь миллионов девятьсот шестьдесят восемь тысяч  
сто шестьдесят три сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 29390449,00 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в сентябре месяце 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

С.А.Халдаров  
Ф.И.О.

С.Мустафаева  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 10  
(қайта таъмирлаш ҳақида)

Янгийўл ш

"28" септември 2022 йил.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган ЯНГИЙЎЛ ШАХАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ номидан Низом асосида иш кўрувчи Халдоров С. бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «CHINOZ SARVAR FAYZ» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Хасанбоев А. иккинчи томонидан **"Тошкент-Самарқанд темир йўли йўналиши бўйича Янгийўл шаҳар худуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва туарар уй жойларни ташки кўринишини тартибга келтириш ва бошқа ишлари учун иш хаққи хизмати"га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.**

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилиши (таъмирланиши)га ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**курилиш (таъмирлаш) майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш (таъмирлаш) майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш (таъмирлаш) майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чикиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. 2022 йил 23 сенябрдаги баённомада №151703 –лот билан ғолиб пудратчи мазкур шартнома шартларига "Тошкент-Самарқанд темир йўли йўналиши бўйича Янгийўл шаҳар худуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва туарар уй жойларни ташки кўринишини тартибга келтириш ва бошқа ишлари учун иш хаққи хизмати" бажаришга смета лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишига тайёр ҳолда топшириш бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 97 968 163 (Тўқсон етти миллион тўқкиз юз олтмини саккиз минг бир юз олтмиш уч) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чикилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

**курилиш (таъмирлаш) қийматини кўпайтиришга** енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлгандан;

ишлилар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши (таъмирланиши) бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзғаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

курилиш (таъмирлаш) майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш (таъмирлаш) майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш (таъмирлаш) майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш (таъмирлаш) таваккалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш (таъмирлаш) майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини лойиха смета хужжатлари бўйича ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектининг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилишин учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш (таъмирлаш) майдонини объект қурилиши (таъмирланиши) ва қурилиш (таъмирлаш) тугалланунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши ўстидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришини амалга ошириш;

*мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариши мажбуриятини олади.*

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришига киришади.

11. Таълов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилиш (таъмирлаш)нинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30 фоизи микдорида, аванс ўтказади, бу 29 390 449 (Йигирма тўккиз миллион уч юз тўқсон минг тўрт юз кирк тўккиз) сўм ни ташкил этади.

14. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириши ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоизигача микдорида, бирор молия йили тугамасдан амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

**16.** Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

**17.** Буюртмачи курилиш (таъмирлаш) майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

**18.** Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

**19.** Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

**20.** Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришини мустакил равишда ташкил этади.

**21.** Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиши назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**22.** Курилиш (таъмирлаш) майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

**23.** Буюртмачи курилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш (таъмирлаш) ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

**24.** Буюртмачи курилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш (таъмирлаш) майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

**25.** Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганилиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

**26.** Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

**27.** Курилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

**28.** Пудратчи ўзи томонидан курилиш (таъмирлаш)да қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

**29.** Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни кабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

**30.** Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитекткурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

**31.** Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина ишларни бажаришга киришади.

**32.** Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш (таъмирлаш) сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

33. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш (таъмирлаш) кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

34. Пудратчи курилиш (таъмирлаш) майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш (таъмирлаш) даврида майдондан курилиш (таъмирлаш) ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

35. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилиш (таъмирлаш)ни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

36. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача ва курилиши (таъмири) тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсиленган курилиш (таъмирлаш) майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

37. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

38. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

39. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бескор килинишини талаб килишга ҳақслидир.

## XI. ҚУРИЛИШИ (ТАЪМИРИ) ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

40. Курилиши (таъмири) тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибида мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши (таъмири) тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

41. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

42. Пудратчи курилиши (таъмири) тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибида икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равища тасдиклаши керак.

43. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

44. Пудратчи:  
барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш (таъмирлаш) учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишиларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

45. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишиларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши (тъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади.

46. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишилардаги нуксонлар ва чала ишиларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичиде бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳукуқига эга.

47. Пудратчи нуксонлар ва чала ишилар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### 48. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилиш (тъмирилаш)нинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтта кечикирилганда;

ишиларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишиларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишиларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

#### 49. Пудратчи:

ишиларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш (тъмирилаш) бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишилар кийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилингана карор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон: иккинчи томонга етказилган заарларни коплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишилар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод қилмайди.

56. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

57. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

58. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

59. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса ҳукуклари ва конуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳукуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга писбатан талабнома билдиришга ҳақлидир. Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida унга жавоб қайтариши шарт. Тараф рад (кисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдиримай ҳам иқтисодий судга даъво аризаси бериши ҳамда суд буйргуни олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига кўра белгиланади. Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вактида тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонуччиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан — ҳакамлик суди томонидан кўриб чикилади улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чикилади.

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

60. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

61. Пудратчи курилиш (таъмиглаш) обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

62. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

63. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдилаши керак.

64. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш (таъмиглаш) майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш (таъмиглаш) майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечкитиришга ҳақлидир.

65. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

66. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

67. Шартнома Газначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан сўнг юридик кучга эга бўлади ва 31 декабр 2022 йилгacha амал киласи.


## XVII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ


68. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупсия характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ва'да қилиш, та'магирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш ҳатти-харакатлари/харакацизликларини содир этмайдилар. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совгаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир ҳатти-харакатларни/харакацизликлар бажарилишини та'минлашига каратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб ма'lум киласи.

69. Томонда ушбу Шартноманинг 68-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубхалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса - амалдаги

қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюргмачи:	Пудратчи:
<p>«Ободонлаштириш бошкармаси» Янгийўл шахар Мустакиллик МФЙ Нодирабегим 226 Ш/Р 100022860274247065100110003 ИНН 207268390 Янгийўл шахар Ғазначилик бўлими Х/Р 23402000300100001010 Тошкент шахар марказий банк Тошкент ви МФО 00014 ИНН 201122919.</p> <p>Бошкарма бошлиғи   С.Халдаров</p>	<p>МЧЖ « CHINOZ SARVAR FAYZ» Тошкент вилояти Чиноз тумани Порлок кўчаси 10 уй ИНН 302 945 855 х/р 2020 8000 4003 4927 7001 Тошкент вил Чиноз халқ АТБ Чиноз филиали МФО 00780 ОКЭД 41201 Тел 95 160 40 00</p> <p>Директор  А.Хасимбоев </p>

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SARDOR XALDAROV ASKARALIYEVICH 
	Imzolangan sana	29 сен 2022 11:16
	Hujjat kodi	XT7353014107
	Hulosa kodi	OC1601411746



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"CHINOZ SARVAR FAYZ"** Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsnинг – tadbirkorlik subyektlining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"CHINOZ SARVAR FAYZ" MChJ**

(Yuridik shaxsnинг qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.05.2014

305

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

302945855

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Chinoz tumani, Chinoz, Йултүшган,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Chinoz tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





## O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi

Toshkent viloyati adliya boshqarmasi

Yangiyo'l shahar adliya bo'limi

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

112000, Yangiyo'l shahar, Sh.Rashidov ko'chasi, 1a-uy,  
tel: (99870) 602 27 03 el. pochta: yangiyol-sh@adliya.uz

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

## 1. Лойиҳанинг тури: меҳнат шартномаси

Лойиҳанинг номи: "Буюртмачи" деб юритиладиган ЯНГИЙУЛ ШАХАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ номидан Низом асосида иш кўрувчи Халдоров С. бир томондан ва кейинти ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «CHNOZ SARVAR FAYZ» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи Хасанбоев А. иккинчи томонидан "Тошкент–Самарқанд темир йўли йўналиши бўйича Янгийўл шаҳар худуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва турар уй жойларни ташки кўринишини тартибга келтириш ва бошқа ишлари учун иш хаққи хизмати"га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар. ШАРТНОМА МАВЗУСИ 2022 йил 23 сентябрдаги баённомада №151703 –лот билан ғолиб пудратчи мазкур шартнома шартларига "Тошкент–Самарқанд темир йўли йўналиши бўйича Янгийўл шаҳар худуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва турар уй жойларни ташки кўринишини тартибга келтириш ва бошқа ишлари учун иш хаққи хизмати" бажаришга смета лойиҳада кўзда тутилган объекти фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олиш ҳақида.

## Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ташкилот томонидан 2022 йил 27 сентябрь куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган. Лойиҳа амалдаги ЎзР Фуқаролик кодексининг 366, 631 моддаси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунинг 11-модда Хўжалик шартномасининг шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Янгийўл шаҳар юридик  
хизмат кўрсатиш маркази



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 151703 на приобретение Тошкент – Самарқанд темир йўли йўналиши бўйича Янгийўл шаҳар ҳудуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва турар уй жойларни ташқи кўринишини тартибига келтириш ва бошқа ишлари учун иш хаки**

Способ проведения электронный

Дата 23.09.2022

Время рассмотрения 23.09.2022 16:07

Закупочная комиссия Янгийул шахар Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XALDAROV SARDOR ASKARALIYEVICH	Бош инженер	Ободонлаштириш
<b>Секретарь комиссии</b>	KURSEITOVA ZAREMA VISOVNA	Иктисадчи	Ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	MAXAMATDJANOV FURKAT SHUXRATOVICH	IOS bo'lim boshligi	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	MIRZAYEV AKMAL ABDUVALIYEVICH	OSBB boshligi	ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	SADOVNICHAYA VIKTORIYA VLADIMIROVNA	участка устаси	Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	YAKUBOVA TURG'UNOY RAVSHAN QIZI	бош мухандис	Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.09.2022 года № лота 151703.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги оснащения жилых помещений
Подробное описание	Тошкент – Самарқанд темир йўли йўналиши бўйича Янгийўл шаҳар ҳудуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва турар уй жойларни ташқи кўринишини тартибига келтириш ва бошқа ишлари учун иш хаки
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	103 124 382.00
Стартовая сумма	103 124 382.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг иш тажрибаси (стаж) тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг иш тажрибаси (стаж) тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	20	97968163	20	Экспертная		
MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY	20	102000000	20	Экспертная		

Критерий №2 ишчи ходимлари тугрисида маълумотнома мөхнат сайти оркали

Тип: Текстовое значение

Описание: ишчи ходимлари тугрисида маълумотнома мөхнат сайти оркали

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	20	97968163	20	Экспертная		
MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY	20	102000000	10	Экспертная		

Критерий №3 Ишчи ходимларнинг кундалик харажатлари уз маблаглари хисобидан коплашга кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимларнинг кундалик харажатлари уз маблаглари хисобидан коплашга кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	20	97968163	20	Экспертная		
MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY	20	102000000	15	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчи компания ҳақида умумий маълумотларни тақдим этиши керак: банк реквизитлари, юридик манзиллари, рўйхатга олиш рақами ва санаси, муассислар ҳақида маълумот (ИНН ва Ф. И. О. муассислар).

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи компания ҳақида умумий маълумотларни тақдим этиши керак: банк реквизитлари, юридик манзиллари, рўйхатга олиш рақами ва санаси, муассислар ҳақида маълумот (ИНН ва Ф. И. О. муассислар).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	20	97968163	20	Экспертная		
MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY	20	102000000	20	Экспертная		

Критерий №5 Солиқлар ва йиғимлар бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимлар бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги

Изательство: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	20	97968163	20	Экспертная		
MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY	20	102000000	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	103 124 382.00	97 968 163.00 UZS	97 968 163.00	00.00	97 968 163.00	21.09.2022 11:58:06	20
MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY	103 124 382.00	102 000 000.00 UZS	102 000 000.00	00.00	102 000 000.00	23.09.2022 08:32:01	19.20944

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО CHINOZ SARVAR FAYZ	80	20	100
MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY	64	19.20944	83.20944

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 151703 от 23.09.2022 года на приобретение Тошкент – Самарқанд темир йўли йўналиши бўйича Янгийўл шахар ҳудуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва турар уй жойларни ташки кўринишини тартибга келтириш ва бошқа ишлари учун иш хаки определила победителем:

ООО CHINOZ SARVAR FAYZ  
302945855

и резервный исполнитель: MCHJ OLMAZOR SP MAX STROY (308723383)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XALDAROV SARDOR ASKARALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXAMATDJANOV FURKAT SHUXRATOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAYEV AKMAL ABDUVALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	SADOVNICHAYA VIKTORIYA VLADIMIROVNA	Согласен	
Член комиссии	YAKUBOVA TURG'UNOY RAVSHAN QIZI	Согласен	

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Янгийүл шаҳар Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи

С.Халдаров

«28 09 2022 йил

БАЁННОМА

Раислик килувчи:

С.Халдаров- Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари

Катнашчилар:

комиссия аъзолари

(Т.Якубова, А.Мирзаев, Ф.Махаматжонов, В.Садовничая)

КУН ТАРТИБИ:


Тошкент – Самарканд темир йўли йўналиши бўйича Янгийул шаҳар худуди бўйлаб ўтган  
қисми атрофини ободонлаштириш ва туарар уй жойларни ташки кўринишини тартибга  
келтириш ва бошқа ишлари учун иш хақи хизмати бўйича


2022 йил 23 сентябрдаги № 151703- лотда давлат ҳаридлари комиссиясининг электрон портали  
орқали шакилланган “Тошкент – Самарканд темир йўли йўналиши бўйича Янгийул шаҳар  
худуди бўйлаб ўтган қисми атрофини ободонлаштириш ва туарар уй жойларни ташки  
кўринишини тартибга келтириш ва бошқа ишлари учун иш хақи хизмати бўйича  
баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “CHIOZ  
SARVAR FAYZ” МСНJ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:


Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги Қонунинг 62-моддаси З-  
бандига асосан баённома давлат ҳаридлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш  
кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат ҳаридлари электрон тизимига  
жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки кўшимча таклифлар келиб  
тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келб чикиб ҳамда комиссия аъхоларининг 2022 йил  
23 сентябрдаги баённомасига асосан “CHIOZ SARVAR FAYZ ” МСНJ корхонаси ғолиб деб  
топилганлигини инобатга олиб корхона билан қонунчиликга асосан шартнома  
райсмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

  
Т.Якубова

  
А.Мирзаев

  
Ф.Махамаджанов

  
В.Садовничая